

ЎЗБЕК АНИМАЦИЯ САНЪАТИДА ОБРАЗЛАР РАНГ-БАРАНГЛИГИ

(«Матизвойнинг саргузаштлари» номли мультфильм мисолида)

Умарова Динара Умирзаковна

Камолиддин Бехзод номидаги МРДИ,

“Мультфильм ва компьютер мультипликацияси”

мутахасислиги 2-курс магистранти

Аннотация

Мақолада ўзбек анимация санъатидаги бугунги жараён, ундаги ютуқлар, ечимини кутаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар берилган.

Аннотация

В данной статье рассматривается современное состояние узбекской мультипликации, определяются основные задачи и пути их решения.

Annotation

This article examines the soviet state of Uzbek animation, identifies the main tasks and ways to solve them.

Мультипликация санъати дунёда жуда изчил ривожланган соҳалардан ҳисобланади. Мультипликация санъати ёш авлоднинг бадий-эстетик тарбияси, дидини шакллантиришда, қалбида ватанга муҳаббат, катталарга ҳурмат каби миллий қадриятларини сақлаган ҳолда ёш авлоднинг келажакдаги характерини шаклланишига ёрдам беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда телевидения соҳаси жадал ривожланаётган соҳалардан бири бўлиб, 20 дан ортиқ телеканаллар ўз фаолиятини олиб бормоқда. Жумладан: “Маданият ва маърифат”, “Ёшлар”, “Менинг юртим”, “ZO’R TV”, “Ўзбекистон”, “Севимли” каби телеканалларда нафақат катталар учун кўрсатувлар балки, жажжи телетомошабинлар учун ҳам кўплаб мультфильмлар, кўнгилочар дастурлар, турли интеллектуал ўйинлар эфирга узатилади. Бундан ташқари “Ёшлар” телеканали таркибига кирувчи, болажонлар учун фаолият кўрсатаётган миллий телеканал

“Bolajon”. “Bolajon” телеканалининг фаолияти болалар киноси, хусусан, анимацион фильмларга бўлган талаб нечоғлиқ катта эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Мана шундай катта маънавий ва бадиий эҳтиёжни таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар катта амалий аҳамиятга эга.

“Мультипликация–бу фикрлаш услуги”, деган эди машхур режиссёр-мультипликатор Г.Бардин.

Дунё миқёсида анимация кундан кун янгиланиб, шиддад ила жадаллашиб бормоқда янги технологиялар шакилланмоқда. Дунё анимация санъатида ўзбек анимацияси янги замон талабларига мослашиши йўлида жадал ишлар ҳамда янги инновацион ғоялар, изланишлар олиб борилмоқда. Анимация санъати мураккаблиги шундаки у биргина йўналишдаги соҳа эгаларини эмас балки, ўзида бир қанча санъат турларини мужассамлайди. Мультфильм бастакорлар, рассомлар, ёзувчилар, овоз операторлари, ҳамда кўплаб инсонларнинг меҳнати натижасида дунёга келади. Бу эса ўз навбатта жамоавий сермахсул иш ҳисобланади. Ҳар бир соҳа вакили юқори профессионализмда иш олиб бормоғи лозим. Рассомларнинг асосий вазифаси қаҳрамонларнинг реал ҳолатдан чиқиб кетиб, уларни жонлантиришга алоҳида эътибор бериш, яни ҳолатларни жонли чиқиши учун уларни бўрттириш ҳамда асар мавзусига мувофиқ қайси миллатга мансублиги географик жойлашуви характери, мавзусига асосан унинг ташқи кўриниши куриш катта аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам мультфильм образлари турли усулларда яратилади.

Асосий жараён образларни тўғри топиш ва ҳаракатлантиришда кечади. Образ ўзи нима қандай яратилади ?

Образларнинг яратилиши машаққатли ишлардан бири ҳисобланади. Дунё анимациясида изчил ривожланган Диснейнинг жаҳон миқёсига чиқишини асосий сабаби образларни яратишдаги маҳоратидир. Образлар қанчалик содда бўлса, энг асосийси жозибадор кўринса уни ҳаракатга келтириш ҳамда инсонларнинг эътиборини тортиши шунча енгиллашади. Негаки анимацион фильмлар минглаб кадрлар кетма-кетлигига асосланган.

Мультфильмнинг ҳар бир сониёсидаги ҳаракат учун 25 та кадр чизилади. Табиийки барча кадрлар бир ҳилда бўлиши ҳамда динамик ва анатомик жиҳатдан ўзини оқлаши лозим.

Мультфильмнинг кинофильмдан устунлик жиҳати шундан иборатки, унда биз образларни ҳоҳлаган усулда дефформация қилишимиз мумкин. Деформация қилиш нима дегани?

Эътибор берадиган бўлсак мультфильмда бирон-бир қаҳрамон юқоридан пастга тушиб кетди, агар уни реал кинода олсак ҳеч қандай шаклга кира олмайди. Бироқ мультфильмда у худди сув каби сочилиб кетиши, резина каби ёпишиб қолиши ёки бутунлай бошқа бир шаклга келиши мумкин.

Анимация соҳасида жуда кўплаб ижодкорлар ижод қилиб келишмоқда. Уларнинг ҳар бири ўз услуби, ранги, йўналишига эга бўлиб, бир рассомнинг услуби иккинчисиникидан фарқ қилади. Шунга кўра образ яратишда ҳам турлича усуллар мавжуд.

Жумладан: Классик, 2D анимация, (реалистик, стилизацияланган, декоратив, фалсафий,), 3D анимация, · Flash анимация.

Ҳар бир услубнинг ўзига ҳос хусусияти, ва мурраккабликлари мавжуд. Услубнинг танланиши эса кўпроқ мультфильм сценарисидан келиб чиққан ҳолда танланади. Образ услубини танлашда яна бир эътибор қаратиладиган хусусият бу болаларнинг ёш тоифасидир. Негаки декоратив ва фалсафий услубда яратилган образ кичик ёшдаги болалар қабул қилиш доираси учун бир оз оғирлик қилади. Боғча ёшидаги болаларга кўпроқ 2D ҳамда ҳозирги кун боласининг сеvimли услуби саналган 3D услубдаги, чизилган ва компьютер технологиялари ёрдамида яратилган мультфильмлар тафсия этилади.

2D услубдаги образга асосан чизилган ва кўриниши жиҳатдан бир мунча содда образлар киради. Бу услуб аввалига перекладка усулида яратилган бўлиб, машҳур Уолт Диснейнинг барчамиз севиб томоша қиладиган “Бемби”, “Алиса сеҳрли ойналар мамлакатида”, “Оппогой ва етти

гном” ҳамда ҳаммамиз учун унутулмас мультфильм “Қирол шер” мана шу услубда яратилган. Ҳозирги кунга келиб эса уларни Flash, Tombom каби махсус программа ёрдамида яратилмоқда. Ўзбек анимация тарихидаги мультфильмлар асосан 2D анимация услубидан фойдаланилади.

3D XXI аср анимация санъатида ҳақиқий бурилиш ясади десак муболаға бўлмайди. 3D компьютер услуби мураккаб схемаларга асосланиб яратилади. Ўзбек анимациясида ҳам сўнгги 5 йилликда бу услубдан фойдаланган ҳолда бир нечта мультфильмлар яратилди.

Исмоил Шомировнинг Ўзбекфильм томонидан тасдиқланган “Матизвойнинг саргузаштлари” деб номланган кўп қисмли мультфильм шулар жумласидан. Куни кеча катта экран юзини кўрган мультфильм қаҳрамонлари сифатида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар туркуми олинган. Анимация ижодкорлари жамоаси бошлиғи Абдулатиф Хайдаров ҳамда рассом Зилола Ҳамидоваларнинг ижод маҳсули ҳисобланган мультфильм 3 ёшдан катта болаларга мўлжалланган.

Мультфильм сценарийси қизиқарли сюжет асосида қурилган бўлиб, ҳар қачонгидан ҳам пухта ишланган. Мультфильм сценарийси қисқа мазмуни шундан иборатки, мультфильм бош қаҳрамони Матизвой исмли машинанинг саргузаштларидан ташкил топган, бунда унинг яшаш тарзи ҳамда қизиқишлари ифода этилган.

Мультфильмда бола қалбида яхшилик ва ёмонлик каби саҳналари этиборга лойиқ.

Мисол учун: Дамазвойнинг йўлда тезликни ошириб, ҳурматсизлик билан ҳаракатланганлиги, бу билан бошқа автомобиллар ҳаракатига халақит берганлиги боис, охир оқибат бу қилган ёмонлиги ўзига душманлигини бола огнига тез ҳамда аниқ йўналтирилган. Матизвой саргузаштларида одоб ахлоққа, энг асосийси йул ҳаракатларига алоҳида урғу берилган. Улар миллий урф-одатларимизга таянган ҳолга, инсоний туйғуларни ўз ичига олган, болага ёшлигидан ҳар қандай вазиятларда ёрдам қулини чўзиш керак эканлигини ўргатади. Оила муносабатлари мустаҳкамлаб, қолаверса,

автомобиль йўлларида қандай ҳаракатланиш кераклигини, йўл қоидаларини бола онгига тез ва осон ўзлаштиришига ёрдам беради. Бу эса авто ҳалокатларнинг камайиши учун хизмат қилади.

Айтиш жоизки, мультфильмда ҳар қачонгидан кўра кўпроқ янгилик бу ўзбек автомобилларидан фойдаланилганлигидир. Бунда ўзбек аниматорларининг миллий кадриятларимизни сақлаган ҳолда, уни замон талабларига мос равишда ишлаб чиққанлиги эътиборга лойиқ. Чунки ҳозиргача ўзбек мультфильмлари маълум бир чегара орқали яратилган, яъни уларнинг кўриниши, образлари, турлари, фон қисми бир хил бўлиб, худди ўтган асрда қолиб кетгандай туюлади. Бунинг сабаби аксарият ҳолларда ўзбек анимацияси санъатида эртак ҳамда тарихий жанрларга мурожаат қилинганлигидир. Шу сабабли замонавий шаҳар кўринишлари ўрнида эски ҳужаралар гавдаланади. Образлар ҳам ушбу урфга мансуб буларди.

Ўзбек анимацияси санъатининг вазифаси ҳозирги давр талабини қондиришдир. Гўзаллик орқали болани эстетик карашларини бойитиш ҳисобланади. Мультфильмни бир асрдан кейин кўрган одам ҳозирги яшаш шароитимизнинг гувоҳи бўлиши керак.

Мультфильм бадий қисмига келадиган бўлсак, бола онгига жуда қизиқарли тарзда сингиб боради. Қисқа ҳикоялар эса кейинги қисмларни кўришга қизиқиш уйғотади.

Мультфильмнинг профессионаллик даражаси, мусиқаси, образлари, ранглари, колорити, ва персонажларига алоҳида урғу берилган.

1. Мусиқа ва қўшиқ – болага ижобий кайфиятни етказади, қувноқ ва кайфиятни кўтаради. Қўшиқ сўзлари болага тушкун ҳолатдан чиқиб кетишга ёрдам беради.

2. Колорит – умумий ёруғлик бизга ранглар кетма-кетлигини тасвирлайди. Мультфильмда колорит енгил ҳамда рангли қилиб берилган. Томошабинни руҳиятига яхши таъсир этувчи очиқ, сокин ва пастель ранглардан фойдаланиш болалар эстетик дидини янада оширади.

3. Персонажлар ва образлар- Матизвойнинг саёҳати мультфильмида ўзбек автомобилларидан фойдалилганлиги эътиборга лойиқ. Образлар жуда самимий ва қизиқарли қилиб ишланган. Персонажлар, автомобилларнинг келиб чиқиши ва кўринишини ўзгартирилмаган. Ҳар бир персонаж алоҳида изланиш орқали стилизацияланган ва бу қаҳрамонлар ҳар бир бола қалбидан алоҳида ўрин эгаллайди.

Матизвойнинг саргузаштлари мультфильми персонажларнинг этик характери ҳамда образлари.

Персонажларнинг образи , характери, мультфильмдаги ўрнидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича таъриф берилди.

- I. Матизвойнинг онаси: Образ тўғри ҳамда аниқ килиб танланган, машинанинг стилизациясида унинг асосий сифатлари ўзгармаган, она образини яратишда ласетти русумли автомашина танланган. Нозик ақлли ўзбек аёллари каби тартибли кўринишдаги автомобиль. Умумий машинанинг кўриниши аёл тоифасига яхши тушган, ранги ҳам образга тўғри танланган.
- II. Матизвойнинг отаси: Келишган каптива русумли автомобиль. Кўриниши жихатдан ҳайбатли довюрак ота образида. Аниқ ҳамда ёрқин ифодаланган оилапарвар ҳамда унга ишонса бўладиган образ.
- III. Матизвой: Бош қаҳрамон жуда шўх, қизиқувчан, ақлли, овози ёқимли ҳамда қувноқ, позитив кайфият улашувчи, бироз маҳмадона сифатида кичкина, ихчам, матиз русумли машина танланган булиб, рангидан уни бола эканлигини билиш осон. Конструктив ечими кўриниши жихатдан содда қизиқарли топилган. Матизвой образи асосий қаҳрамон сифатида бошқа ўртоқларидан фарқ қилади. Матизвойнинг феъл-атворини образдан илғаб олиш мумкин.
- IV. Бобоси, бувиси, тоғаси боғча опаси ва х.к: Умумий персонажларнинг яъни шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ташқи кўриниши ўзбек

инсонларнинг соддадиллиги ҳамда замонавий турмуш тарзини такрорлайди. образлар бир-бирини такрорламайди. Бу эса ҳар бир персонаж алоҳида ишланганлигини исботидир.

4. Фон-фон қисмида гўзал Ўзбекистоннинг замонавий шаҳарлари кўринишидан фойдаланилган. Унинг ранглари енгил ҳамда ёрқин қилиб танланган. Персонажларни томошабинни жалб қила олиши кўп жиҳатдан фонга боғлиқ. Негаки агар фон олдинги планга отилиб чиқса ёки ортиқча деталлар кўпайиб кетса персонаж кўринмай қолади.

Ушбу мультфильмдаги фон ечими персонажларни кўришга ҳалақит бермайди. Деярли барча фон қисмида тасвирланган деталлари мейорида. Фақатгина мультфильмнинг кириш кириш қисмида динамика меёрдан тезроқ. Бу томошабин кўзини биров чарчатиши мумкин.

5. Овоз бериш- Овозда дубляж актёрлари тўғри танланган. Уларнинг ҳар бир образга мос равишда берган овозлари образ ҳарактерини тўлдирган. Кичик ёшдаги персонажларнинг овози майин ҳамда қувноқ қилиб берилган.

Хулоса қилиб айтганда фильм қизиқарли руҳда суратга олинган. Ижодий йўл билан ёндашилган. Мультипликация соҳасида янгилиги унинг мавзу доирасидир. Мультфильмни кўзатиш жараёнида таниқли кино назариётчиси С.С.Гинзбургнинг қуйидаги фикрларини эслаш ўринли “Болаларга бағишланган санъат ёш томошабинларга ўзларини бадиий асар қаҳрамонлари билан тенглаштириш имконини бергандагина ўз олдига қўйган мақсадини амалга оширади”¹. Матизвой ана шундай қаҳрамон сифатида бола қалбида гавдалана олади деган умиддамиз. Чунки замонавий дунё болалари қизиқувчан, ўз қизиқишларини Матизвой образида кўра оладилар. Замонавий автомобиллардан фойдаланилганинг асосий ютуғи келажакда тарих бўлиб муҳирланишига тўртки була оладиган манба яратилганидир. Ҳозирги кунда автомобилларимиз шаҳар кўринишига янада чирой бағишлаш билан бирга ҳайдовчилар томондан қилинаётган ҳаттоликлар сабабли кўплаб кўнгилсизликларни юзага келтирмоқда. Мультфильм нафакат ёш авлодга,

хаттоки катталарга ҳам ўрнак бўла олади. Шундай экан мультфильмдаги баъзи хато камчиликларни келгусида бартараф этишларига ишонамиз.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Гинзбург Р.Очерки теории кино .Москва .: Искусство,1974.
2. Акбаров Х. Кино-телережиссура монтаж. -Т.: Илм зиё, 2007.
3. Б.Нугербек. Когда оживают сказки.-Алма ата.: Онер, 1984.
4. М. Мирзамухамедова. Ўзбек анимацияси. Тошкент.: Мумтоз сўз.